

Нефть маҳсулотларини туғридан-туғри сотиш
ШАРТНОМА СИ № 7

« 05 » 01 2022 йил

Пастдаргом т.

“Мароканд нефт базаси” МЧЖ, кейинги ўринларда «Маҳсулот сотувчи» деб юритилувчи номидан НИЗОМ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.И.Икрамов бир томондан ва Солтмухаммад Султоналиев МГМ кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи номидан Юсуфбек К. Ш низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Маҳсулот сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини бериш, «Истеъмолчи» эса берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, нархи шунингдек, бериш муддатлари куйидаги спецификация жадвалида келтирилади.

Нефть маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Миқдори	Суммаси
Автобензин Аи-80	O'zDst 3031;2015		5390461		
Автобензин Аи-91			12044532		
Ўчок ёкилгиси					
Диз.ёкилгиси			11157666		
Диз.ёкилгиси ЭКО	O'zDst 1134;2007		12171662		

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Маҳсулот берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан 1000 000 000 сўмни шундан 15% ҚҚС суммаси 150 000 000 ташкил қилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда 2020 йил 4 май куни ўтказилган №27-сонли йиғилиш баёнининг 23-бандига асосан бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёкилгиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёкилгиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида шаклланади.

2.3. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан бошқа истеъмолчиларга барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади.

2.4. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган захоти берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичида амалга оширади. Акс ҳолда «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни қўллаши мумкин.

2.5. Бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Маҳсулот сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Маҳсулот сотувчи»нинг омборидан ёки унга қаршли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида унга берилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилгандагина берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»нинг хошишига қараб (истеъмолчида махсус автотранспорт воситаси бўлмаган тақдирда) «Маҳсулот сотувчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартиб ва келишилган қўшимча нархлар асосида етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари келишилган калькуляция асосида қайта кўриб чиқилади.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг куйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Маҳсулот сотувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари куйилган автоцистерналар (Истеъмолчининг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Маҳсулот сотувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъмаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Маҳсулот сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ